ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ОРҚАЛИ НЕМИС МАДАНИЯТИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

М.Носирова

Мақолада мутахассислар тайёрлашда немис халқининг маданияти фактларидан самарали фойдаланиш механизмлари ва дарс жараёнида интерфаол усулларни қўллаш ҳақидаги маълумотлар кенг ёритилган.

***Калит сўзлар**: маданият, имконият, интерфаол, тежамкорлик, методика, усул, технология.*

В статье освещаются механизмы использования фактов немецкой культуры при подготовке специалистов, а также дана информация о применении интерактивных методов обучения.

***Ключевые слова**: культура, возможность, интерактивный, экономичность, методика, метод, технология.*

The article proposes the use of factors from the life experience of Germans in training the qualified specialists. It also contains the information on the use of interactive methods of teaching.

***Key words**: culture, opportunity, interactive, economy, training, method, technology.*

Тил ва маданиятнинг чамбарчас боғлиқ эканлигию тил ўрганишда маданиятни билишнинг аҳамияти ака-ука Гриммларнинг тадқиқот ва изланишларидаёқ кўринади. В.Гумбольдт немис тилини маданияти орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ деб билган бўлса, тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлигини неогумбольтд мактаби намоёндалари Л.Вейсберг ва К.Леви-Стросслар таъкидлаб айтадилар. Жумладан, К.Леви-Стросс “Тил маданиятнинг маҳсулидир ва унинг яшаши учун асосдир” деб ҳисоблайди. Тилларни маданият орқали ўрганиш ғоясини рус олимлари А.Брюкнер, В.Иванов, В.Топоров, Н.Толстойлар ҳам илгари суришган.

XIX асрдан бошлаб педагоглар мамлакатшунослик ва тилшунослик йўналишларини бирлаштирган ҳолда ўқитиш, дарсларда грамматика билан бир қаторда тили ўрганилаётган давлатни чуқур ўрганиш ғоясини илгари суришган. Тилни маданият орқали ўрганишда, ўқувчиларни тили ўрганилаётган мамлакат билан таништиришда интерфаол усуллардан фойдаланиш самарали усуллардан биридир.

Немис тилини ўрганишда методик йўналишлардан бири “лингвомамлакатшунослик”дир (лингвострановедение). Ушбу йўналиш ўз ичига тили ўрганилаётган мамлакат тарихи, давлат қурилиши, аҳолиси, иқтисодиёти ва маданиятини ўрганади. Немис тилида ушбу йўналиш “Landeskunde” деб аталади.

Шуни айтиш жоизки, немис маданиятининг ўзига хослиги унинг тартиб-интизомга риоя қилиши, вақтнинг қадрига етиши ва доим барча нарсаларни ўз вақтида қилишга интилиши ва тежамкорлигидадир. Мутахассислар тайёрлашда немис таълим тизимида қуйидаги миллий хусусиятларга алоҳида эътибор берилади:

- die Ordnungsliebe – тартиб интизомга бўлган муҳаббат;
- Befehl ist Befehl – қонунга бўйсуниш;
- Pünktlichkeit – бирсўзлилик, масъулиятлилик;
- Sparsamkeit – тежамкорлик кабилар.

Немис маданиятининг ўзига хослиги шундаки, ҳар бир ишда ушбу тўрт хусусиятдан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилинади.

Немис тилидан мутахассислар тайёрлашда ҳам мазкур хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда турли хил услубий қўлланмалар ва интерфаол усуллар ишлаб чиқилган. Жумладан:

1. “Гуруҳ” шаклида ўрганиш.

Гуруҳ шаклида ташкилланган дарслар: гуруҳ бир нечта иштирокчидан иборат: “шеф” – гуруҳ олдига қўйилган мақсаддан четга чиқилмаслигини таъминлайди, “хронометрист” – вақтга масъул иштирокчи, “секретарь” – муҳокамалар ва хулосаларни ёзиб боради. Роллар ижросида немис халқи менталитети, унинг ўзига хос турмуш ва фаолият тарзи ҳисобга олиниши муҳим. Чунки фақат шу ҳолдагина тил ўрганишда кўзланаётган иккинчи мақсад – тили ўрганилаётган мамлакат, унинг халқи менталитети эътибордан четда қолмаган бўлади.

2. Интерфаол усуллардан яна бири – комикслар ёрдамида немис тилини ўрганиш.

Комикслар бугунги кунда ижобий баҳога эга: улар “серияли санъат” номи остида алоҳида санъат тури сифатида ном чиқарган бўлиб, замонавий Ғарб, хусусан, немис маданиятида ўзига хос ўрин тутади. Услуб жиҳатидан рассомчилик ва видеодан илҳомланган ҳамда сиёсату автобиографиядан тортиб то репортажларгача кўплаб жанрларни қамраб олган комикслардан бугунги кунда ҳаттоки таълим воситаси сифатида, масалан, чет тили дарсида фойдаланилади.

“Комикс тили ҳар доим ҳам осон эмас ва у чет тили дарсини бошловчиларга мос келади,- дея

фикр билдиради Гёте институтининг тил бўлими ходимаси доктор Мануела Бек.- Бироқ расмлар ва сўз чизмалари унда муҳим аҳамиятга эгалиги туфайли комикслар немис тилини ўрганувчилар учун умумий асар сифатида тезда тушунарли бўлади" [2.35]. Кундалик турмуш мавзуларига мурожаат қилиши ва катта ақлий салоҳиятни ишга солгани учун ҳам комикслар, Бек хонимнинг назарида, тил дарсларига мос келади: "Саша Ҳомор ёки Арне Белстдорф каби ижодкорлар бажонидил кундалик мавзулардан фойдаланишади. Бу мавзулар тил ўрганувчиларига яқин бўлгани учун ҳам, айниқса, ёш ўқувчилар айнан комикслар билан бажонидил шуғулланишади" [2.35].

Гёте институти ходимлари тил ўрганишда бошловчилар ҳам фойдаланиши мумкин бўлган дидактик қўлланма яратдилар. Швециядаги Гёте институти грамматика дарси учун интернетдан кўчириб олса бўладиган комиксли қўлланмаларни таклиф этади. Ушбу услубдан мактабгача таълим муассасаларида фойдаланиш мумкин.

Комиксдан дарсда фойдаланиш, айниқса, расмларни сўз ёрдамида (тавсифлар билан) тасвирлаш ва расм асосида ҳикоя қилиш учун асос сифатида жуда самарали бўлади.

2.Мусиқа орқали немис тилини ўрганиш.

Ушбу услуб ёш мутахассисларни тайёрлашда қизиқарли ва "қувноқ" усуллардан бири ҳисобланади.

Мисол учун, немис гуруҳи "Basta" куйлаган қўшиқ нақорати:

Deutsche werden Helden über Nacht,
Deutsche lassen auch mal Frauen an die Macht,
Deutsche sind zwar blond, aber nicht doof,
Deutsche lieben Zäune und jagen sich vom Hof [3.30].

Қўшиқ тингланган сўнг ўқувчиларга қўшиқ матнидаги айрим сўзларни тушириб қолдириб ёзилган варақ берилади:

Deutsche werden Helden über _____,
Deutsche lassen auch mal _____ an die Macht,
Deutsche sind zwar _____, aber nicht _____,
Deutsche _____ Zäune und jagen sich vom Hof

Шуни айтиб ўтиш жоизки, қўшиқ ёрдамида тил ўрганиш самарали интерфаол усуллардан бўлиш билан бирга, немис маданияти билан таништиришнинг ҳам ўзига хос технологиясидир.

Қўшиқ орқали тил ўргатишда ўрганувчиларда тинглаб-тушуниш малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш назарда тутилади. Қўшиқни тинглаганда ўрганувчилар диққати унда нима ҳақида куйланаётганига ва унинг асосий ғояси нима эканини тушунишга қаратилади. Бунда ўша қўшиқнинг тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти, маданияти ва санъатининг бир вакили экани, халқи менталитетини кўрсатувчи кичик асар эканлигини англашга ундаш керак бўлади. Тил ўрганувчининг қўшиқ мазмунини монолог ёки диалог усулида баён этиши уни мулоқотга ўргатади. Тинглаб-тушуниш малакалари шаклланган тил ўрганувчи тинглаган қўшиқларга ўзининг муносабатини ифодалаб, шу асосда клиплар ишлаши мумкин. Бу эса тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданиятини тасвирий ҳаракат орқали кўрсатишга ундаш баробарида унинг мукаммалроқ ўрганилишига замин бўлиб хизмат қилади. Кўринадики, қўшиқ орқали тил ўрганиш билан бошқа усулларни синтез қилган ҳолда ҳам яхши педагогик самарага эришиш мумкин экан.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий тилларни ўрганишни янада такомиллаштириш давр талаби эканлигини назарда тутган ҳолда, тил ўргатишнинг илғор усул ва технологиялари, ахборот-информацион технологиялардан фойдаланиб тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида турли маълумотларни бериш самарали натижалар беради. Бу тил ўрганувчиларда нафақат ўрганилаётган тилдан амалий фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш, балки шу билан бир қаторда уларнинг умуммаърифий савиясини юксалтириши, яъни дунё ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

1. Schritte plus Neu: digitale Ausgabe, Interaktive Möglichkeiten, Copyright © HueberVerlag, 2007.
2. Rottmann, Karin; Wicke, Rainer E. «Deutsch als Fremdsprache» Mehrsprachigkeit - Unterricht – Theorie Musik und Kunstim Unterricht Deutsch als Fremdsprache, Cornelsen Verlag, 2015 J, 30- б.
3. http: //www.cornelsen.de/erw/1.c.3230104.de

Андижон қишлоқ хўжалик институти,
2017 йил 12 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Саидхонов)